

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ

Яхьяев Абдулла Абдужабборович

*Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори, в.б. доцент,
Тошкент архитектура-қурилиш институти
“Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси” кафедраси мудири*

Режапова Дилафруз Акрамовна

*А.Авлоний номидаги ХТМУИБ илмий-тадқиқот институти,
“Узлуксиз касбий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси*

ÖZBEKİSTAN'IN BÜYÜK İPEK YOLU ÜZERİNDEKİ TİCARET VE KÜLTÜR MERKEZLERİ

ТОРГОВЫЕ И КУЛЬТУРНЫЕ ЦЕНТРЫ УЗБЕКИСТАНА НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ

TRADE AND CULTURAL CENTERS OF UZBEKISTAN ON THE GREAT SILK ROAD

Аннотация: *Ушбу мақолада Буюк Ипак йўли инсоният тарихида умуман бир - бирига ўхшамаган мамлакатлар ва халқларни Ўрта ер денгизидан то Тинч океанигача бўлган масофада боғлаб тургани билан аҳамиятли эканлиги ёритилган.*

Аннотация: *В данной статье подчеркивается значение Великого шелкового пути в истории человечества, так как он соединяет страны и народы, совершенно отличающиеся друг от друга расстоянием от Средиземного моря до Тихого океана.*

Abstract: *This article highlights the importance of the Great Silk Road in the history of mankind as it connects countries and peoples that are completely different from each other in the distance from the Mediterranean to the Pacific Ocean.*

Калит сўзлар: маданий, марказ, карвонсарой, сардоба, транзит, қўнимгоҳ, бозор, раста.

Ключевые слова: культурный, центр, караван-сарай, сардоба, транзит, лагерь, рынок, раста.

Keywords: *cultural, center, caravanserai, sardoba, transit, camp, market, rasta.*

КИРИШ

Буюк Ипак йўли тарихидан шуни кўришимиз мумкинки, жаҳон карвон йўлларида бири, Ғарб билан Шарқ цивилизациясини бирлаштирган, ҳамда унинг йирик савдо, маданий марказлари, тармоқлари Ўзбекистон ҳудудида ҳам жойлашган Буюк Ипак йўлини илмий равишда ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан кўплаб мамлакатлар олимлари томонидан бошланган.

Буюк Ипак йўли қадимий цивилизацияларнинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Унинг тарихи халқларнинг трансконтинентал масофада на фақат савдо алоқалари, маданий қадриятлар билан ҳам ўзаро алмашганини намоён этади. Буюк Ипак йўли инсоният тарихида умуман бир-бирига ўхшамаган мамлакатлар ва халқларни Ўрта ер денгизидан то Тинч океангача бўлган масофада боғлаб тургани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ҳудуди Ғарб ва Шарқ карвон йўллари учрашган асосий бўғин бўлиб, бу ерда Ипак йўлига хизмат қилувчи турли иншоотлар бунёд этилиши, бу ердаги йўл бўйлаб шаклланган шаҳарларнинг йирик савдо ва маданият марказларига айланиши жуда тез содир бўлган.

Эрамиздан аввалги 3 - 4 асрларда Хитойда ипак матолар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бўлиб, ипакчилик товарлари билан савдо қилиш зарурияти янги бозорларни очишга талабни келтириб чиқарган эди. Лекин, Бадахшонда олинаниган қимматбаҳо лали-тош-лазуритга ҳам Шарқ мамлакатларида талаб кучли бўлган. Шунингдек, Хитой айғоқчиси Чжян Сзян орқали Фарғона - Паркана учар арғумоқ-отларига ҳам Хитой императорлари томонидан қизиқиш кучайган.

Хитойдан Ғарбга қараб биринчи карвон милоддан аввалги 114 йилда хитойлик сайёҳ Чжан Цзян очган йўлдан ўтган. Кейинчалик ҳар йили 10-12 йирик карвонлар юборилиб турган. Хитой императори вақти-вақти билан бу карвон йўлларини химоя қилиш учун аскарлар юборганлиги илк бор Хитой йилномаларида келтирилган эди.

Карвон йўллари туфайли Ўрта Осиё ўша даврнинг йирик халқаро бозорига айланган. Хитой ва Ҳиндистон билан бевосита савдо алоқалари Ўрта Осиё учун улкан аҳамият касб этди. Эрамиздан аввалги II аср Хитой йилномаларида йирик савдо марказларидан бири Хўқонди-Латиф ҳам қайд этилган. (ҳозирги Қўқон шаҳри). Фарғонанинг бу ва бошқа шаҳарларидаги савдо-сотиқ, карвонсаройлар, нарх-наво, бозорлари ҳақида маълумотлар кейинчалик араб географлари асарларида ҳам учрайди. Қўқон бозорларига Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Рус ва бошқа ерлардан моллар келтирилган. Шаҳарда божхона бўлганлиги ҳақида ҳам айтилган.

Ҳарбий юришлар учун йўллар Ғарбдан Искандар лашкарлари томонидан Бақтрия, Сўғд мамлакатларига, Хитойдан эса Паркана, Чоч-Илоқни забт этиш учун Қашқар, Такла-Макан сахролари орқали ўтган эди. Араблар томонидан Марказий Осиё халқлари забт этилиб, шунингдек ислом қабул қилингунча бўлган даврларгача ҳам ҳарбий йўллар, на фақат ҳарбий юришлар учун, савдо алоқаларига ҳам хизмат қилган.

Маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимда олтига йирик тарихий-маданий ўлкалар ҳудудлари таркибида бўлган улар: Бақтрия-Тохаристон (қисман ҳозирги Сурхондарё вилояти), Сўғдиёна- (Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари), Уструшона (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), Шош-Илоқ - (Тошкент вилояти),

Паркана-(Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари), Хоразм (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси) ўлкаларидир.

Сўғдиёна ва Бақтрия-Тоҳаристон ҳудудларидаги савдо йўллари қадимдан мавжуд бўлиб, бу ўлкалар таърифи қадимий зардуштийлар китоби “Авесто”да ҳам тилга олинган. Тарихий-археологик тадқиқотларга кўра [1] бу ҳудуддаги карвон йўллари ва унинг иншоотлари уч йўналишда бўлган. Биринчиси дашт-сахро йўналиши бўлиб у Амударёдан ўтиб, Туркменистон ва Қашқадарё оралиғидаги темир йўл йўналишига тўғри келади. Мазкур йўналишда қатор карвонсаройлар, сардобалар қолдиқлари қайд этилган. Масалан: Нишон туманидаги Нишон сардобаси яқинида ўтган асрда ҳам мавжуд бўлган работ-карвонсарой қолдиғи аниқланган. Ундан шарқроқда темир йўл бўйлаб, Юсуф, Таллимаржон, Санги Сўлоқ, Усти Очиқ, Тоз, Юлғун, Нафтан туд ва Абдуллахон сардобалари бўлиб улар то Келиф гузаригача аниқланган. Бу иншоотлар оралиғи бир кунлик, ярим кунлик пиёда юриш масофага тенг ва карвонлар ҳаракати учун қулай шароитга эга бўлган. Умуман олганда дашт йўли доимий ҳаракатда бўлган. Кейинги икки йўналиш Хисор тоғлари орқали ўтган. Бу йўл ҳозирги Катта Ўзбек тракти йўналишига тўғри келади. Бу йўл қадимдан мавжудлиги, Искандар юришлари тарихчиси Аррианнинг асарида Суғддан Искандар айнан шу йўл орқали ўтгани ҳақидаги маълумот билдиради.

Бу ерда диққатга сазовор ёдгорлик, темир дарбоза деган икки тарафи тик қоя яқинидаги, божхона ва чегара девор қолдиқларидир. Хитой йилномаларида ҳам бу жой ҳақида маълумот мавжуд. Учинчи йўналиш бўйича маълумотлар қадимги ёзма манбаларда ҳам келтирилади. Хисор тоғларидан Қашқадарёнинг Яккабоғ, Тошқўрғон ва Сурхондарёнинг Сариосиё ва Денов туманларидаги тоғ қишлоқлари орқали ўтган бу йўл ҳам қадимдан маълум. Бу туманлардаги аҳоли ҳануз бу йўллар орқали Яккабоғ ва Китоб шаҳарларига қатнайдилар.

Буюк Ипак йўли тармоқлари ўтган жойлардаги бу марказлар даврлар давомида баъзилари йўл трассаси ўзгариши натижасида ҳаробаларга айланиб, йўқолиб кетган, баъзилари эса муқим бўлиб, ҳозирги қадимий тарихий шаҳарларга асос бўлган. Карвон йўлида Фарғона ҳудудида бўлган шаҳарлардан Марғилон, Қўқон, Хўжанд, Андижон, Наманган шаҳарлари Буюк Ипак йўлини илк даврларидан шаклланган бўлса, Ахсикет, Қадимги Қубо, Эрши каби шаҳарлар ҳаробаларга айланган. Шу жараён қадимги карвонсарой, работларга эга бўлган қўнимгоҳларда ҳам содир бўлган. Бу иншоотларнинг йўлларда жойлашган турлари фақат транзит - қўнимгоҳ бўлса, шаҳар туридаги масканларда бундай иншоотлар асосан бозорлар яқинида жойлашган. Бу марказларнинг бир қисмидаги омборхоналарда молларни янгитдан шаклланган карвонларга ортиб йўлнинг бошқа тармоқларига янги савдогарлар олиб кетганлар. Товар айрибошлашга мўлжалланган марказлар хизмати қадимда Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Марв шаҳарларида шаклланган эди. Хитой савдогарлари молларини бу шаҳарларга олиб келганларидан сўнг, Сўғд савдогарлари уларни сотиб олиб, Византия, Форс қўлтиғи бозорларига олиб борганлар.

Карвон савдосини Буюк Ипак йўли бўйлаб маълум масофада товар алмашиши ўзаро савдо алоқаларини ривожлантирибгина қолмай маҳаллий ҳунармандчиликни ҳам юксалтирган. Марказий Осиёда араблардан авваллари, қадимдан савдо-сотик юксак даражада ривожланган бўлиб, унинг халқаро, минтақавий ва ички бозорлари бўлган. Аҳолининг кўп қисми савдо-сотик билан шуғулланган. Манбаларда келтирилишича Қадимий Сўғднинг қариб ярим аҳолиси савдо-тижорат учун хизмат қилган. Сўғд савдогарлари жаҳон бозорида воситачилик ҳам қилганлар. Улар ҳунармандчилик буюмларини Яқин Шарқ ва Хитойга олиб борганлар. Шаҳар бозорлари эса кўчманчи ва ўтроқ аҳоли орасида товар алмаштириш жойи ҳисобланган. Марказий Осиё карвон йўлларини дастлаб сўғдлар томонидан ўзлаштирила бошланган. Бу йўллардаги мустақамланган масканлар, работлари кейинчалик шаҳарларга айланган.

Савдо йўллари, анъанавий бўлиб қолган йирик бозорлар, ўрта асрларнинг охиригача ўз аҳамиятини йўқотмай келган. Бу фаолият ўз навбатида савдо-сотик жараёнига хизмат қиладиган иншоотлар қурилишини тақозо этган. Иншоотлар товар ишлаб чиқаришга, товарни сотишга, карвон учун вақтинчалик қўнимгоҳлар, омборхоналар, йўл хавфсизлигига, маъмурий мақсадларга, божхоналарга, молиявий операцияларни бажаришга хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Шаҳарлардаги савдо иншоотлари, қўнимгоҳлардаги савдо-сотикқа мўлжалланган кўплаб бинолар қаторида карвон йўли бўйлаб савдогарлар, уловлар учун карвонсаройлар биноларининг меъморий ечимлари ўзига хос шаклланди.

Савдо йўлларининг маълум масофада жойлашган бу иншоотлар тури аввало, меҳмонхона, от-улов жойлаштириш учун отхоналар, юк-моллар учун омбор вазифасини бажарсада, уларнинг истеҳком-ҳимоя воситаси ҳам муҳим ҳисобланган. Карвонсаройлар қурилишида шаҳар ичидаги бинолар билан йўл бўйида жойлашганларининг меъморий тизимида бир мунча фарқ мавжуд. Йўллардаги карвонсаройлар мустақам қўрғон кўринишини олган. Қадимий шоҳлардан Диваштич бу турдаги иншоотларни Зарафшон бўйлаб жойлаштириб қўриқлашни буюргани маълум. Улар почта станцияси бўлиб ҳам хизмат қилган. Бу турдаги иншоотлардаги Марказий Осиё ва Яқин Шарқда араблар даврида кенг тарқалган бу алоқа кўриниши (VIII аср) қадимдан ҳам маълумлигини билдиради. Марказий Осиёда IX-X асрларда эса бундай алоқа иншоотлари оммавий тус олган. Кўчманчи араблар босиб олган ҳудудларда (VIII аср) ҳунармандчилик ва иқтисодий ишлаб чиқариш дастлаб тушкунликка учраган, лекин маҳаллий шаҳар аҳолисининг юксак ишлаб чиқариш маданияти туфайли, IX-X асрларга келиб карвон савдоси учун товар олмашиши яна қайта тикланиб, шаҳарлар сони кўпайган [2].

Хулоса қилиб айтганда, ўрганишлар шуни кўрсатадики IX-X асрларга келиб карвон йўллари Хоразм, Тохаристон, Сўғд, Уструшона, Чағониён, Фарғона, Чоч ўлкаларидаги минглаб шаҳарларидан ўтган. Манбаларга кўра, Пойкендда мингга яқин работ бўлгани савдо алоқаларида бу шаҳар-савдо маркази сифатидаги роли

қанчалик юқори эканини билдиради. Турли шароитларга кўра карвон йўлларининг йўналиши ўзгариши туфайли, ёки инқирозга учраган даврларда бу шаҳар-марказларнинг кўплари ўз мавқеини йўқотиб ҳаробага айланди. Лекин, асосий йўналишда жойлашган йирик шаҳарлар савдо маркази вазифасини мудом давом эттириб келди.

Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё ҳудудларидан ўтган тармоқларида маълум даврларда Марв, Пойкенд, Бухоро, Қўқон, Эрши (ҳозирги Қорасув), кейинчалик Самарқанд, Балх, Насаф, Кеш, Жиззах, Шош (Бинкат), шимолда Кўҳна Урганч, жанубда Термиз каби тарихий шаҳарлар йирик савдо марказлари ҳисобланган. Бу рўйхат янги тадқиқотлар натижасида яна тўлатилиши шубҳасиздир.

Қадимий Парканадаги Қўқон - “Хўқанди-хатиф” номи билан Хитой ва Араб манбаларида, унинг катта бозорлари, товарларнинг хилма-хиллиги, мўл-кўллигига таъриф берилган. Хитой тарихчилари Қўқон шаҳрини транзит савдосининг асосий маркази бўлганини қайд этиб, бозорларидаги расталар, дўконлар, карвонсаройлар ҳар доим савдогарлар билан гавжум эканлигини билдирадilar. Турли матолар, қимматбаҳо тош, заргарлик буюмлардан ташқари турли дориворлар, учқур тошлар, металл буюмлар билан савдо қилганликларини ёзиб қолдирганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахмонов Ш. Мозийга кўприк. “Халқ сўзи” 1991й. 19 август.
2. Беленицкий А, Бентович И, Большаков О, Средневековый город Средней Азии. Л. 1973.
3. Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. Т. 1999.
4. Радкевич В. Великий Шелковый путь М. 1990.